VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

2 (167) ● 2012 йил 11 январь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



Садоқат тимсоли

Юксак маънавиятли посбон халқимизнинг тинч-фаровон ҳаётини ҳимоялаш, мамлакатимиз истиқболини асраб-авайлаш бурчи эканлигини, ватанимизда бўлаётган улкан ўзгаришларга ўзи ҳам дахлдорлигини англайди. Маънавият армиямизда халқимиз, миллатимизнинг минг йиллар давомида шаклланган асл қиёфаси, азалий қадриятлари ва хислатларини акс эттиради.

4 ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ



Оила — маънавият кўзгуси

Оиланинг мустаҳкамлиги, бахтли ҳаёт, аввало турмуш қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатлари, оила, жамият олдидаги бурчи ва масъулиятни қай даражада англаб етишига боғлиқ. Шу боис, мамлакатимизда ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

5 МАЪНАВИЯТ

## Оқсаройда қабул

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 январь куни Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Хи Тэни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари учрашувда Корея Республикаси Ўзбекистон учун вақт синовидан ўтган ва ҳар томонлама ишончли стратегик ҳамкор бўлиб келгани ва шундай ҳамкор бўлиб қолаётганини, мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда чуқур модернизациялаш бўйича йирик миллий дастурларни ҳаётга татбиқ этишда изчил қўллаб-қувватлаб келаётганини таъкидлади.

Пак Хи Тэ Ўзбекистон Президентини 29 январь куни нишонланадиган давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан самимий қутлади. У Корея Республикаси раҳбарияти ва Миллий Ассамблеяси мамлакатларимиз ўртасида қарор топган конструктив ва самарали давлатлараро муносабатларни юқори баҳолашини, икки томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият беришини қайд этди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея бугунги кунда сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармоявий, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик бўйича катта тажриба тўплади. Бу узоқ муддатли ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш учун пухта замин яратмоқда. Томонлар ўртасида салмоқли ва кўп қиррали шартномавий-ҳуқуқий асос яратилган.

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг 2011 йил август ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувларнинг мантиқий давоми бўлди ва томонларнинг ўзаро ҳамкорлик ривожига янги суръат бахш этиш йўлидаги қатъий сиёсий азму шижоатини яна бир бор намойиш этди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур ташриф чоғида икки мамлакат раҳбарлари "Сурғил" кони негизида ўз кўлами ва жалб этилаётган янги технологиялар бўйича мислсиз бўлган, қиймати 2,6 миллиард АҚШ долларига тенг Устюрт газ-кимё мажмуи қурилиши лойиҳасини амалга оширишга старт бердилар.

Учрашувда юқори даражадаги парламентлараро алоқалар Ўзбекистон-Корея муносабатларини изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Томонлар савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик барқарор кенгайиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар. Ўтган йилнинг 11 ойи давомида икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 1,5 миллиард АҚШ долларидан ошди. Жанубий Корея томонидан мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган сармоялар ҳажми 5 миллиард, шундан ўзлаштирилганлари эса 2 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистонда Жанубий Корея сармояси иштирокида тузилган 350 дан зиёд корхона фаолият юритмоқда.

Навоий шаҳри халқаро аэропорти ҳудудидаги трансконтинентал интермодал хабни бошқараётган "Кореан Эйр" авиакомпанияси фаолияти айниқса диққатга сазовордир. Бу ердан ҳар ҳафтада Осиё ва Европанинг йирик минтақавий иқтисодий ва молиявий марказларига 24 тагача парвозлар амалга оширилмоқда. Жанубий Корея бизнеси вакиллари "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантиришда фаол иштирок этиб, ўзаро манфаатли қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

Тонг бокиралиги ўлкаси билан маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам фаол ривож топаяпти. Хусусан, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИКА) дастурлари доирасида Ўзбекистон вазирлик ва идораларининг бир ярим мингга яқин вакили Корея Республикасида малака оширди.

Оқсаройдаги учрашув чоғида Ўзбекистон-Жанубий Корея муносабатларининг истиқболли йўналишлари бўйича атрофлича фикр алмашилди.

**ЎзА**



## Изчилислоҳотлар самараси

### ТУФАЙЛИ МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ ВУЖУДГА КЕЛДИ

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, чуқур ва пухта ўйланиб, изчил олиб борилаётган мустақил ташқи ва ички сиёсат ҳамда умумий хавфсизликни таъминлаш йўлида Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган ва ҳаётда ўз ижобатини топаётган ташаббуслар туфайли Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда обрў-эътибори тобора ошиб бораётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.***




Юртимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, унинг ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини, аҳолимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш мамлакатимиз Қуролли Кучлари зиммасига юкланган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 19 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида эътироф этилганидек, "Ўтган давр мобайнида амалга оширган, ўзининг кўлами ва моҳиятига кўра ғоят улкан ва ноёб, том маънода тарихий ишларимиз натижасида бугунги кунда Ўзбекистон замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши тайёрланган, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир ўз миллий армиясига эга бўлди".

4-бет



## Садоқат тимсоли

*Мана, салкам икки йилдирки, пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги кўчадан ўтаётганда қалбимни ўзгача бир ғурур чулғаб олади. Бунинг сабаби бу кўчада Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган, бугун энг гавжум жойлардан бирига айланган «Ватанга қасамёд» мажмуасининг жойлашганидир. Мажмуа ёнидан қайта-қайта ўтгим келаверади. Ҳар сафар юрт шаъни, ор-номуси йўлида курашган аждодларим ёдимга тушаверади. Ичимдан бир тўлқин тошиб келаверади.*

*Яхши биламиз. Мажмуа ўрнида яқин-яқингача эски тизим мафкурасини ифода этадиган, қиёфаси совуқ ҳайкални кўрардик. Унда бугунги ёшларимизни ўзига тортадиган, юракларни жиз эткизадиган бирон маъно бормиди? Ёки эзгу мақсад ва ниятларимизни акс эттирармиди? Билмадим.*

4-бет

● ЖАРАЁН

## Ғоялар ва дастурлар кураши

### ЖАМИЯТ ВА САЙЛОВЧИ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик жамият қуришнинг муҳим шарти — кўппартиявийлик тизимини шакллантириш ва сиёсий партияларнинг ўз олдиларига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга оширишi учун мустаҳкам ҳуқуқий база ҳамда кенг имкониятлар яратилди. Конституциямиз нормалари асосида «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда бир қатор бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўтган давр мобайнида сиёсий партияларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва роли, қарорлар қабул қилишда партияларнинг нуқтаи-назарига эътибор кучайди. Айниқса, икки палатали парламент тизимига ўтилгач, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партиялар фракциялари аъзоларининг қонун ижодкорлиги борасидаги фаолияти тубдан ўзгарди. Сиёсий тажриба орттириш, сиёсий етуклик ва молиявий мустақилликка эришиш ва жамиятда ўз ўрнини топиш, ўзининг барқарор ижтимоий қатлами ва электоратини шакллантириш юзасидан сиёсий партиялар маълум бир йўлни босиб ўтди.***

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини янада ошириш, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган янги қарорлар қабул қилиш зарурати ҳамда ислоҳотларнинг босқичма-босқичлик тамойилига мос ҳолда Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан **«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»**ги Конституциявий қонун (2007 йил) қабул қилинди. Мазкур қонун сиёсий партиялар фаолиятини тубдан янгилаш ҳамда ваколат ва имкониятларини ҳамда масъулиятини янада кучайтириш, кенгайтиришга, шунингдек, мамлакатимиз сиёсий тизимини ислоҳ ва модернизация қилишга қаратилганлиги билан жуда катта тарихий аҳамият касб этди. Бу ўзгариш ва янгиланишлар нафақат сиёсий тизимга, шунинг баробарида, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларига салмоқли таъсири билан ҳам ажралиб туради.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"** номли маърузаларини халқимиз ва халқаро жамоатчилик Ўзбекистон тараққиёти ва ислоҳотлар жараёнининг янги марраларини бошлаб берувчи тарихий ҳужжат сифатида қабул қилди.

2-бет

● ЎЗЛИК

***Юртимизда инсон қадри ва унинг манфаатлари устувор саналиб, амалга оширилаётган ислоҳотлар, энг аввало аҳолининг фаровон турмуши, ҳаётдан мамнун бўлиб яшашига хизмат қилмоқда. Айниқса, мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан жорий йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб номланишини инсон манфаатларини таъминлаш йўналишидаги изчил ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида баҳолаш лозим.***

## Оила — маънавият кўзгуси

Халқимиз азалдан оилани муқаддас даргоҳ сифатида қадрлайди. Зотан, ўзаро ҳурмат, эр-хотин, ака-ука, опа-сингилларнинг бир-бирини қўллаб-қувватлаши, меҳр-оқибат, инсонпарварлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат каби инсоний қадриятлар айнан оила бағрида шаклланади. Шу боис, мустақилликнинг илк кунларидан юртимизда оила манфаатларини ҳимоялаш, унинг жамиятда тутган ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор қонунлар қабул қилинди. Хусусан, Бош Қомусимизнинг XIV боби тўлалигича оилага бағишланган.

5-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



# СИЁСАТ

● ЖАРАЁН

# Ғоялар ва дастурлар кураши

## ЖАМИЯТ ВА САЙЛОВЧИ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Энг муҳими мазкур Концепция мамлакатимизда парламентаризм ва сиёсий партиялар фаолияти ривожини тарихан янги босқичга кўтарди.

Концепция сиёсий партиялар ўз фаолиятларини тубдан янгилашларини талаб қилади. Президентимиз **“...мазкур ислоҳотларнинг муваффақияти, авваламбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз суръатига, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига ва ўз-ўзидан аёнки, биринчи навбатда сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажагига дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир”**, (2010 йил, 12 ноябрь) деб алоҳида таъкидладилар.

Мамлакатимизда демократик жараёнлар ривожланиб бораётган, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти мустаҳкам қарор топаётган ва энг муҳими кўппартиявийлик тизими шаклланган ҳозирги пайтда — сиёсий партиялар ўртасида ғоялар ва дастурлар кураши етакчи ўринга чиқиши долзарб масала бўлиб турганлигини кўпчилик эътироф этмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг йиғилишида сўзлаган нутқида: “Модомики, биз демократик жамият қурмоқчи эканмиз, жамиятимизда албатта кўппартиявийлик тизими бўлиши керак. Бу тизим нима учун зарур, деган саволга мен шундай жавоб берган бўлардим. Кўппартиявийлик, аввало, жамиятимизда ўз манфаат ва қарашларига эга бўлган ҳар қайси ижтимоий қатлам ва гуруҳнинг мақсад ва интилишларини тўлиқ акс эттириш учун керак. Чунки, ҳаёт бор экан, ҳар қайси тоифа ўзининг манфаатларини қандайдир йўллар билан амалга оширишга ҳаракат қилади, бу ҳаётни қандай ташкил қилиш лозим, инсон, оила қандай шароитда тинч ва бахтли яшаши мумкин, деган масалалар атрофида фикр юритади, керак бўлса, қонуний йўллар билан ўз мақсадларига эришишга интилади. Бинобарин, иккита халқ, иккита давлат ҳам бир-биридан қандайдир хусусиятлари билан ажралиб туради. Худди шунингдек, сиёсий партиялар ҳам ўз ғояси, мақсад ва вазифалари билан бир-биридан фарқ қилиши зарур. Шундагина улар жамиятдаги хилма-хил қараш ва манфаатларни тўлақонли акс эттирган бўлади”, деб алоҳида таъкидлаган эдилар.

Ҳақиқатан ҳам сиёсий партияларни бир-биридан ажратиб турадиган омил — бу ғоя, мафкура, мақсад ва вазифадир. Булар эса ўз навбатида партиялар дастурида акс этади. Бугунги кунда сиёсий партиялар эмин-эркин ва мустақил равишда фаолият кўрсатишлари учун барча ҳуқуқий-молиявий имкониятлар яратилган.

Партиялар ўртасида ғоялар кураши ва баҳс-мунозара масаласига келсак, бу шунчаки номигагина бўлмаслиги кераклигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Демократик жамиятда турли ижтимоий қатламларнинг орзу-интилишлари, мақсадлари ғоя ва қарашларини сиёсий партиялар ифода этар экан, албатта бунда фикрлар хилма-хиллиги бўлиши табиий ҳол. Шу боис бугунги вазиятга назар солсак, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тўртта сиёсий партия дастурлари, танлаган йўли ва электорати бир-биридан фарқ қилишини кузатишимиз мумкин. Ушбу партияларнинг парламент қуйи палатасидаги фракциялари ўртасида қонунлар лойиҳалари муҳокамаси жараёнида баҳс-мунозара бўлган ҳолларни ҳам кўрганмиз. Аслида Президентимиз таъкидлаганларидек: **“Парламент — бу жамият ҳаётини ойнадек яққол акс эттирадиган кўзгу. Бинобарин, жамиятда қандай интилиш, фикр ва қарашлар мавжуд бўлса, улар парламентдаги муҳокама ва мунозараларда ўз ифодасини топиши керак”.**

Кейинги пайтда оммавий ахборот воситаларида бир қадар бўлсада айнан партиялар ўртасида баҳс-мунозара ва қарама-қарши фикрлар ўртага ташланаётганлиги ҳам кузатилмоқда. Бундай жараённи янада кучайтириш, уни конструктив ташаббуслар ва таклифлар рақобатига айлантириш зарурати мавжуд. Лекин, партиялар ўртасидаги ўзаро кураш ва рақобат фақат сайлов арафасида ёки сайловлар пайтида эмас — у табиий ва изчил жараёнга айланиши зарурлиги муҳим масала бўлиб турибди. Аслида бундай жараённинг изчил кечишидан энг аввало сиёсий партияларнинг ўзи манфаатдордир. Чунки, доимо жамоатчилик диққат-марказида бўлиш учун асосий фаолият билан бир қаторда, рақобатчи партиялар ишини “тафтиш” қилиб туриш, жамият ҳаётидаги у ёки бу масала-муаммога нисбатан бошқа партияга қарагандан ўзгача нуқтаи-назарни билдириш ва энг муҳими танланган сиёсий йўл ва ғоя жозибадорлигига ва тўғрилигига одамларни ишонтириш ўзаро курашда муҳим аҳамият касб этади.

Сиёсий партиялар ўртасида ғоялар кураши ҳақида гапирганимизда бу борадаги жаҳон тажрибасини ҳам эслаб ўтиш жоиз. Маълумки, жаҳонда партиялар қандай номланганлигидан қатъи назар ғоявий жиҳатдан классик тарзда уч гуруҳга — яъни сўл ғоя, ўнг ғоя ва ўрталиқ (марказ) ғояси бўйича бўлинган. Сўл ғояни ҳимоя қиладиган партиялар асосан социал-консерватив характерга эга бўлган масалаларни кўтариб чиқишса, ўнг ғоя тарафдорлари либераллаштириш, миллий манфаатлар ва демократик мезонларни биринчи ўринга қўйишади. Албатта ҳозир, ўнг ғояларни ҳимоя қилувчи партиялар ўта бир ёқлама ғояларни илгари сураётганлигига ҳам гувоҳ бўлмоқдамиз. Бундан ташқари ўнг партиялар ҳам кўпроқ сайловчилар овозига эга бўлиш учун социал ғояларни ўзларига қурол қилиб олмоқдалар. Хорижда сиёсий курашларда популизм ҳам кучайиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда.

Албатта, партиялараро ўзаро курашнинг ҳам аниқ мезонлари бор. Бу кураш энг аввало холислик ва ҳалолликка таяниши зарур. Тирноқ остидан кир қидириш, асоссиз ва қуруқ таъна-дашномдан иборат “танқид”ни ўзига қурол қилиб олиш сиёсий кучга обрў келтирмайди. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг юқорида тилга олинган нутқларидаги қуйидаги фикрни эсга олиш лозим: **“Шу билан бирга, ўз рақибига, бошқа партия вакилига ҳурмат билан қараш бу олижаноблик ифодасидир. Бордию бирор-бир тажрибасиз депутат ўз фикрини билдирса ва у унча тўғри бўлмаса, шунга ҳам ҳурмат билан қараш даркор”.**

Сиёсий партиялар фаолиятида амалий иш асосий ўринда туради ва айни шу нарса ҳам ўзаро курашда асосий мезон ҳисобланади. Демак, партиянинг амалий фаолияти баҳс, мунозара ва танқид объекти бўлиши мумкин. Айнан амалиётда қандай камчиликларга йўл қўйди, нимани ваъда бериб бажармади — ана шулар таҳлил ва танқид қилиниши керак деб ўйлаймиз. Бундан ташқари жамият ҳаёти учун энг муҳим масалаларга ҳар бир партия ҳар хил муносабатда бўлиши мумкин. Ана шу муносабат мамлакат миллий манфаатлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиниб — унинг тўғри ёки нотўғрилиги баҳсларда исботлаб берилиши керак. Энг муҳими сиёсий партиялар мамлакатимиз Конституцияси ва амалдаги қонунлар доирасида ўз фаолиятини олиб борар экан, ўзига мухолиф деб ҳисобловчи партиянинг камчиликларини танқид қилишда ҳам қонун устувор бўлиши керак. Яъни, партиялар бири-бирининг олдига қонунга зид талаблар қўймаслиги лозим.

Ўзаро кураш жараёнида партиялар бир-бирининг фаолияти ва ишини баҳолашга ҳам киришиб кетишадики, бу нарса одамларда мураккаб таассурот қолдиради. Чунки, партиялар фаолиятига холис баҳони одамлар, жамоатчилик, янада аниқроқ айтганда сайловчилар беришади.

Партиялар ўз аъзолари, тарафдорлари, ижтимоий қатлами ва электорати сонини кўпайтириш учун кураш олиб бориши табиий ҳол. Электорат учун кураш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Президентимиз таъбирлари билан айтганда: **“Ҳар қайси партиянинг ўз электорати — уни қўллаб-қувватлайдиган ижтимоий қатлами бўлиши лозим. Агар шундай бўлмаса, бу партия ҳақиқий сиёсий куч бўла олмайди”.** Ҳозирда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган партияларнинг ижтимоий қатлами шаклланиб бормоқда. Ижтимоий сўров натижаларини таҳлил қилиб кўрсак ҳозирдаёқ одамларнинг маълум бир қисми қайси партия ғоя-мақсадлари ўзларига маъқул келаётганлигини аниқ айтиб беришмоқда. Лекин, қайсидир партия ўз фаолиятни кучайтириб жамоатчилик фикрини ўзгартириши, яъни ўз тарафдорлари сонини кўпайтириши учун доимо имконият мавжуд. Бу учун эса ҳар бир партия дастурий мақсадларига мос амалий фаолиятни кучайтириши, доимо юрт ва халқ манфаатларига астойдил хизмат қилиши, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайланган депутатлари орқали муҳим қарорлар қабул қилишда фаол иштирок этиши, Ўзбекистон миллий манфаатларига дахл қилувчи барча масалалар юзасидан ўзининг позициясини изчил билдириб бориши ва энг муҳими эришган натижалари хусусида эмас, олдимизда турган вазифалар хусусида кўпроқ қайғуриши лозимлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

2009 йилнинг декабрь ойида мамлакатимизда парламент ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга навбатдаги сайлов бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганларидек: “Демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юради, улар ўзаро бирлашиб кетган. Сайлов — демократия дегани. Демократия — бу сайлов дегани. Чунки, ҳар қайси партия айнан сайлов орқали ўзининг тарафдорларини аниқлайди, ким унга овоз беряпти, ким унинг ғоя ва дастурларини қўллаб-қувватлаяпти — буларнинг барчасини амалда кўришга муваффақ бўлади. Хуллас, ҳамма нарса сайлов пайтида маълум бўлади. Қайси партия кимни ўз ғояларига ишонтира олгани, шу билан бирга, кимнинг уларга эргашаётгани, кимлар ишонч билдиргани фақат сайлов натижаларига кўра аён бўлади. Айнан сайлов пайтида партиялар ўзининг асосий ва устувор фикр-қарашларини, ҳаётни қандай яхшилаш, ислоҳотларни қандай амалга ошириш, Ўзбекистон деб аталмиш мустақил давлатнинг эртанги ҳаётини қандай барпо этиш борасидаги ғояларини илгари суради”. Шу нуқтаи-назардан сиёсий партиялар фаолиятига назар ташлар эканмиз, сайлов жараёнида барча партиялардан кўрсатилган номзодлар сайловчиларга катта ваъдалар беришди, бири-бирига ўхшамаган дастурларни илгари суришди. Қайсидир партия “ислоҳотлар тақдири учун жавобгарликни ўз бўйнига олган” бўлса, яна бир партия “инновация ва электрон ҳукумат” ғоясини илгари сурди. Сайловчиларнинг маълум бир қисми бу ғояларга ишонди ва уларни илгари сурган партиялар номзодларига овоз берди. Бугун улар сиёсий партиялардан берилган ваъдалар ижросини кутишмоқда. Эндиликдаги энг муҳим вазифа эса сайловчини узоқ куттириб қўймасликда.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар, мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш ҳамда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш жараёнларига ўзини дахлдор, наинки дахлдор сўзсиз равишда унинг фаол иштирокчиси бўлишга интилиш сиёсий партиялардан мафкуравий-ғоявий, ташкилий-амалий ишларни янги поғонага кўтаришни талаб қилмоқда. Ёки давлатимиз раҳбари алоҳида уқтириб ўтганларидек: **“Партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш мақсадида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба орттириши, сиёсий етукликка интилиши ва энг муҳими, молиявий мустақилликка эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловчиларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиши керак”.**

Партиялар ўртасида амалий негизда кучайиб бораётган ўзаро кураш ва рақобат қонунлар сифатини яхшилашга, ҳар бир партиянинг ижтимоий қатлами манфаатларини ҳимоя қилишнинг кучайишига олиб келмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, айрим ҳолларда партиялар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнидан ортда қолмоқда, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий етуклиги ва тайёрлиги замон олдимизга қўяётган вазифаларга етарли даражада жавоб бермаётир. Шу боис, бугун сиёсий партиялар ичида чуқур таркибий ўзгаришлар содир бўлмоқда, ҳар бир партия ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилмоқда.

Биз давлатимиз раҳбари Концепцияда илгари сурган вазифаларни амалга ошириш учун, энг аввало, фаолиятимизни янада такомиллаштириш, сиёсий партия сифатида жамият ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллаш, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий ва иқтисодий жиҳатдан дунёқараши ва билим доираси кенг, масъулиятни ўз бўйнига ола биладиган етук кадрлар захирасини вужудга келтириш, партия мафкураси ва ғоясига янгича ёндашувларни шакллантиришга қаратилган ишларни амалга оширишимиз зарур. Давлатимиз раҳбари илгари сурган вазифа ва ғоялар Ватанимиз ва халқимиз манфаатларига, шунингдек, миллий тикланиш мафкурасига хизмат қилишини ҳисобга олсак, шундан келиб чиқиб партиямиз ўзининг дастурий мақсадларини давр талаблари асосида янада кучайтириши, замонавий иш услубларини шакллантириши зарур. Умуман, партияларга берилаётган ваколат, имконият ва юксак мақом барчамиздан янгича дунёқарашни талаб қилмоқда.

**Кейинги пайтда оммавий ахборот воситаларида бир қадар бўлсада айнан партиялар ўртасида баҳс-мунозара ва қарама-қарши фикрлар ўртага ташланаётганлиги ҳам кузатилмоқда. Бундай жараённи янада кучайтириш, уни конструктив ташаббуслар ва таклифлар рақобатига айлантириш зарурати мавжуд. Аслида бундай жараённинг изчил кечишидан энг аввало сиёсий партияларнинг ўзи манфаатдордир.**

**Айтиш жоизки, айрим ҳолларда партиялар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнидан ортда қолмоқда, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий етуклиги ва тайёрлиги замон олдимизга қўяётган вазифаларга етарли даражада жавоб бермаётир. Шу боис, бугун сиёсий партиялар ичида чуқур таркибий ўзгаришлар содир бўлмоқда, ҳар бир партия ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилмоқда.**

**Жалолиддин САФОЕВ**

● 168 СОАТ: ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

# Зиммамиздаги масъулият

## ТАШАББУСКОРЛИК ВА ФАОЛЛИККА УНДАЙДИ

### САМАРҚАНД

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида миллий қадрият ва урф-одатларимизни тиклаш, ватанимиз тарихи, бетакрор маданиятимиз, эзгу анъаналаримизни ривожлантириш ва келгуси авлодларга етказиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Халқимизнинг бой маданий, маънавий, ахлоқий ҳамда миллий анъаналарига таянган ҳолда фуқароларни, хусусан, ёшларни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг устувор вазифаларидан саналади. Бу борада партия мунтазам тадбир, давра суҳбати, семинар, кўрик-танлов ва фестиваллар ташкил этиб келмоқда.

ЎзМТДП Пайариқ туман Кенгаши томонидан “Истиқлол ва миллий қадриятлар” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда ЎзМТДП туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, партия “Аёллар қаноти”, “Ёшлар қаноти” ва бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, истиқлол йилларида барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Халқимиз, айниқса, ёшлар дунёқараши тубдан ўзгариб, уларда ватанпарварлик, халқига садоқат ва унинг ютуқларидан фахрланиш, ғурурланиш туйғулари шаклланди.

Тадбирда партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёшлар онгига миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат туйғусини сингдириш, уларни миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиш борасидаги ишларни янада кучайтириш юзасидан таклиф, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

### СУРХОНДАРЁ

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрнини топиши учун шарт-шароит яратиш ва зарур ҳуқуқий механизмларни ривожлантиришга кўмаклашиш Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг устувор вазифаларидан бири саналади.

ЎзМТДП Қумқўрғон туман Кенгаши томонидан Қумқўрғон тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган “Мустаҳкам оила — жамият таянчи, мамлакат пойдевори” мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир ҳам ана шундай мақсадлар рўёбига қаратилди. Унда ЎзМТДП Қумқўрғон туман Кенгаши вакиллари, БПТ етакчилари, халқ депутатлари Қумқўрғон туман Кенгаши депутатлари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Ж.Аноров юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлиги, оилалар мустаҳкамлиги йўлидаги эзгу мақсадлар мужассамлашганлигини таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

— Юртбошимиз ташаббуси билан 2012 йилни “Мустаҳкам оила йили”, деб номланиши замирида чуқур маъно бор. Модомики шундай экан, жорий йилда ҳам кенг жамоатчилик, айниқса, ёшларимиз ўртасида оилани мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, улуғ аждодларимиз маънавий меросини ўрганиш, ривожлантириш ва келажак авлодларга бекаму кўст етказиш борасидаги ишларимизни янада жонлантиришимиз лозим.

### ХОРАЗМ

— Ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, уларда турли хил ғоявий таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан саналади,- деди ЎзМТДП Хазорасп туман Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган “Миллий тикланиш ёшлари — миллат қаноти”, деб номланган тадбирда халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Нодира Қурбонова. — Шу боис, ёшларни миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизни эъзозлаш, уларни инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига барчамиз бирдек масъулмиз. Зеро, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида қайд этилганидек, ёш авлодни миллий-маънавий, тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида, тарихий меросимизнинг ҳақиқий билимдони, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялашга кўмаклашиш устувор вазифаларимиздан бири саналади. Шундай экан яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, олдимизга қўйилган устувор мақсадлар йўлида биргаликда ҳаракат қилишимиз лозим.

Тадбир сўнгида ёшлар томонидан миллий урф-одатларимизни ўзида мужассамлаштирган саҳна кўринишлари намойиш этилди.

### ҚАШҚАДАРЁ

ЎзМТДП Миришкор туман Кенгаши томонидан “Мустаҳкам оила йили”га бағишлаб “Оила — маънавият қўрғони” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда ЎзМТДП Миришкор туман Кенгаши вакиллари, “Миришкор” ҚФЙ фаоллари, туман саломатлик маркази ва “Камолот” ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ходимлари иштирок этди.

Тадбир баркамол авлодни тарбиялашда жамиятимизнинг муҳим бўғини бўлган оилага алоҳида эътибор қаратиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди.

Йиғилишда ЎзМТДП Миришкор туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Й.Очилов маъруза қилди.

— Жорий йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб номланиши зиммамиздаги масъулиятни янада оширади,- деди нотиқ. — ЎзМТДП сайловолди Платформасида шахснинг шаклланишида оиланинг ўрни беқиёс эканлигидан келиб чиқиб, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш борасида алоҳида вазифалар белгиланган. Шу нуқтаи назардан оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимиз асосида ёшларни турли салбий таъсирлардан асрашга кўмаклашиш йўналишидаги ишларни янада жонлантиришимиз талаб этилади.

*Ўз мухбиримиз*

● ДАВРА СУҲБАТИ

# Баркамол авлод

## ТАРБИЯСИДА ОИЛАНИНГ МУҲИМ ЎРНИ БОР

***ЎзМТДП Олмазор туман Кенгаши, “Адолат” нашриёти билан ҳамкорликда “Баркамол авлод тарбиясида оиланинг ўрни” мавзусида давра суҳбати ташкил этди.***

Унда ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия қўмитаси “Ёшлар қаноти” қошидаги “Ёш сиёсий билимдонлар” клуби аъзолари, партия фаоллари ва ёшлар қатнашди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида қабул қилинган қонунларимиз асосида оила муносабатлари, жамиятимизда оиланинг ўрнини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилни “Мустаҳкам оила йили”, деб эълон қилиниши замирида ҳам мамлакат тинчлиги, халқ фаровонлиги, оналар ва болалар саломатлиги каби эзгу мақсадлар мужассам.

Тадбирда ёшлар онгига миллий ғоя ва мафкурани сингдириш, қадрият, анъана ҳамда урф-одатларимизга ҳурмат туйғусини шакллантириш, ёш авлодни баркамол қилиб вояга етказишда оила хусусан, маҳалланинг ўрнини кучайтиришга кўмаклашиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

**Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА, ЎзМТДП Олмазор туман Кенгаши “Аёллар қаноти” етакчиси:**

— Жорий йилга “Мустаҳкам оила йили” деб ном берилиши партиямиз зиммасига ҳам қатор вазифалар юклади. Жумладан, партия “Аёллар қаноти” фаолиятини янада жонлантириш, жамиятда аёллар нуфузини ошириш, маҳалла ва оила муносабатларини ривожлантириш каби йўналишлардаги фаолиятимизни қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан мазкур тадбир ҳам ёшларнинг оила муносабатларидаги ўрнини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

**Дилором ИБРАГИМОВА, ЎзМТДП аъзоси:**

— Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий билимларини янада ошириш ва жамиятда муносиб ўрнини топишга кўмаклашиш партиямизнинг устувор вазифаларидан бири саналади. Мазкур тадбир тенгдошларимизга оила муносабатлари ҳақида кенг тушунча бериб, соҳага оид қонунчилик билан яқиндан танишиш имкониятини яратди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ҲАМКОРЛИК

## Қадриятларимиз давомчилари

### МАНФААТЛАРИ ЎзМТДП ЭЪТИБОРИДА

*Маданий — тарихий ёдгорликларни кўз қорачиғидай асраш, уларни келгуси авлодларга бус-бутун етказиш ишига ҳар томонлама кўмаклашиш ва мамлакатимиз ижобий имижини шакллантириш, унинг ноёб маънавий бойлиги ва халқимиз тарихий меросини тарғиб қилишни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий вазифасидир.*

**(ЎзМТДП Дастуридан)**

***Истиқлол йилларида мамлакатимизда халқимизнинг бой ва бебаҳо миллий қадриятларини тиклаш, эзгу анъаналаримизни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда юртимизда заргарлик, каштадўзлик, зардўзлик, кулолчилик, сандиқсозлик, бешикчилик каби ҳунар турлари янгидан-янги намуналар билан бойитилиб, халқ амалий санъати ранг-баранглик касб этмоқда. Ёғочга нафис қилиб ўйилган нақшлар, қадимий меъморчилик ёдгорликлари, кошинкор, жозибали безаклар, нафосатли гулдор матолар, металлга нақш ўйиб ишланган буюмлар гўзаллиги ҳар қандай кишини мафтун қилиши шубҳасиз.***



Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида асрлар давомида аждодларимиз томонидан эъзозлаб келинган ва маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлган миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш йўналишида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу борада Президентимизнинг 1997 йил 31 март куни қабул қилинган "Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳа ривожи учун кенг имкониятлар эшигини очди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ ҳунармандларимизга берилган имтиёзларни алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур ҳужжатга асосан солиқ тўловлари бўйича соҳага берилган имтиёз 2012 йилнинг 1 апрелига қадар узайтирилди.

Навоий вилоятида миллий ҳунармандчилик йилдан-йилга ривожланиб, турли миллий маҳсулотлар истеъмол бозорини тўлдириб, юрт фаровонлиги таъминланмоқда. Вилоятда ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган миллий ҳунармандчилигимизнинг оммалашишига муносиб улуш қўшаётган инсонлар талайгина. Мазкур мақолани тайёрлаш мақсадида Қизилтепа туман "Маҳалла" хайрия жамғармасида бўлиб, ҳунармандлар ҳақида сўраганимизда, ҳудудда бу ишнинг ҳадисини олганлар ниҳоятда кўпчиликни ташкил қилишини, айниқса, Бўстон қишлоғида истиқомат қилувчи, ҳукуматимизнинг юксак мукофоти — "Шуҳрат" медали соҳибаси Хадича Воҳидованинг соҳа ривожидаги саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлашди. У асли ғиждувонлик бўлиб, ёшлигидан маҳаллада моҳир чевар номи билан машҳур бўлган бувисидан кашта тикиш, зардўзлик, патдўзлик сирларини қунт билан ўрганди. Ҳунарли киши хор бўлмас деганларидек, бувисидан ўрганган тикувчилик санъати унга кейинчалик оилавий ҳаётида ҳам қўл келди. Маҳалла аёлларининг кўйлакларини тикиш ва келинчакларнинг сепларини тайёрлашда унга етадигани йўқ эди. Шу тариқа у оила иқтисодига ҳам баҳоли қудрат фойда келтирарди. Орадан кўп вақт ўтмай истиқлол яратган имкониятлар туфайли юрагининг туб-тубидан жой олган орзу-истаклари рўёбга чиқди.

— Интилганга толе ёр, - дейди Хадича Воҳидова биз билан суҳбатда. — Зеро, инсонда мақсад, ҳар бир юмушга ижодий ёндашув, иқтидор ва энг муҳими, юрагида шижоат бўлса бас. Ана шунда асл гўзаллик яратилаверади.

1996 йилда Қизилтепа туман ҳокимлиги қарорига асосан унга ўз тадбиркорлик фаолиятини юргизиш учун алоҳида ер ажратилди. Қисқа фурсатда қурилиш ишлари якунланиб, "Хадича-бону" миллий ҳунармандчилик ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш хусусий фирмаси ташкил этилди ва қўлида ҳунари бор аёллар ишга жалб қилинди. Тез орада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бандликка кўмаклашиш маркази Қизилтепа туман бўлими билан ҳамкорликда фирма ҳузурида ҳунармандлар тайёрлаш ўқув курслари ташкил этилди. Дастлабки йилда ҳудуддаги 120 нафар, кейинги йилда эса 180 нафар ёшларга зардўзлик, патдўзлик, қуроқчилик, дўппидўзлик ва тикувчилик йўналишлари бўйича касб-ҳунар сирлари ўргатилди. Айни пайтда мазкур фирмада жами 50 нафардан ортиқ хотин-қизлар фаолият юритмоқда. Эътиборлиси, фирма ишчиларининг 41 нафари Қизилтепа туман ҳудудидаги Тавоис касб-ҳунар коллежида таҳсил олган ёшлардан иборат. Меҳнат амалиётини ўтаган ўқувчиларнинг барчаси шу ернинг ўзида иш билан таъминланди.



Таъкидлаш жоизки, ушбу соҳа вакиллари бўлган ҳунармандлар, халқ усталари ва касаначилар, шунингдек, рассомлар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий электоратини ташкил қилади. Партия дастури ва сайловолди Платформасида қадриятларимиз давомчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, халқ ҳунармандчилигига хос бўлган "устоз-шогирд" анъанавий мураббийлик институтини сақлаган ҳолда мазкур соҳани янада ривожлантиришга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

ЎзМТДП Қизилтепа туман Кенгаши аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, ёш авлод онгида унга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш, "устоз-шогирд" анъаналарини тиклаш ва давом эттириш, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш, уларни қизиқтираётган масалаларда яқин кўмакчи бўлиш мақсадида ҳудуддаги ҳунармандлар билан ҳамкорликда амалий саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда.

— Партиямиз томонидан ўтказилаётган тадбирларда туманимизда фаолият кўрсатаётган ҳунармандларни жалб қилиш, улар билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз, - дейди ЎзМТДП Қизилтепа туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Тўрсунпўлат Муҳаммедов. — Хусусан, бир неча маротаба ҳудуддаги чевар хотин-қизларнинг қўл меҳнатлари маҳсули бўлган миллий ҳунармандчилик намуналари кўргазмасини ташкил қилдик. Бу эса партиямиз электорати сафларини кенгайишида салмоқли ҳисса қўшибгина қолмай, миллий ҳунармандчиликнинг янада юксалишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Аёли оқила уйнинг остонаси тиллодир, дейишади. Бу гапда ҳикмат кўп. Ҳунари орқасидан эл корига яраб, кўпнинг дуосини олаётган, миллий қадрият ва анъаналаримизни тиклаш, улар тарафдорлари бўлган Хадича опа сингари инсонлар манфаатларини ҳимоялаш партия сайловолди Платформасида белгиланган асосий вазифалардан саналади.

— ЎзМТДП туман Кенгаши томонидан ўтказилаётган тадбирлар ҳунарманд қизларимизни соҳага доир қонун ва янгиликлардан кенгроқ бохабар бўлишларига хизмат қилмоқда, - дейди ҳунарманд Хадича Воҳидова. — Шунингдек, уларнинг қўллари билан яратилган маҳсулотларнинг кўргазмаларини ташкил этиш борасида партия томонидан олиб борилаётган бир қатор ишлар ўз самарасини бермоқда. Бундан ташқари партия туман Кенгаши билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида ташкил этилаётган турли кўрик-танловлар уларнинг мазкур соҳага бўлган қизиқишларини орттирмоқда.

**Ўралой ТУРДИЕВА,**
**"Milliy tiklanish"**
**мухбири**

ТАДБИР

## Ватан ҳимояси — энг олий шараф

***Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида жамиятимизнинг бошқа жабҳаларида бўлгани сингари мамлакатимизнинг ўз миллий армиясини ташкил этиш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган йигирма йил мобайнида ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли изчил ислоҳотлар, ҳарбий хизматга оид бир қатор қонунларнинг такомиллашуви, мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ, ҳарбий техника билан таъминланган, жанговар қобилият ва тайёргарликка эга, профессионал миллий армиямиз шаклланди.***

Жорий йилнинг 14 январида Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг ташкил топганига 20 йил тўлади. Ушбу санага бағишлаб мамлакатимизнинг барча гўшаларида турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳудудий ташкилотлари томонидан ҳам учрашув ва байрам тадбирлари ўтказилмоқда.

* * *

Ана шундай тадбирлардан бири ЎзМТДП Булунғур туман Кенгаши ва туман Марказий маданият уйи ҳамкорлигида "Ватан ҳимояси — муқаддас бурч" мавзусида ўтказилди. Унда партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, "Меҳржон" маҳалла фуқаролари, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирдан кўзланган мақсад Ўзбекистон Қуролли кучлари тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юзасидан атрофлича тушунчалар бериш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар онгида оила ва маҳаллага нисбатан меҳр уйғотишга кўмаклашишдан иборат бўлди.

— Киндик қонимиз тўкилган муқаддас замин — Ватанни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, унинг сарҳадлари дахлсизлиги учун кези келганда жонини фидо этиш диёримизда истиқомат қилаётган барча юртдошларимиз учун ҳам қарз ҳам фарздир, - деди Булунғур туман Марказий маданият уйида ташкил этилган БПТ раҳбари С.Абдуқодиров. — Мазкур тадбир фарзандларимизнинг ҳарбий билимларини юксалтириш, Ватан олдидаги йигитлик бурчини янада теран англашига хизмат қилиши шубҳасиз.

Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали тадбир якунида қатнашчилар томонидан маҳалла аҳли ҳамда ёшларнинг Қуролли Кучларимизга бўлган қизиқишларини янада ошириш, жойларда, билим масканларида мазкур мавзудаги тадбирларни мунтазам уюштириш масаласи олға сурилди.

* * *

14 январь Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 20 йиллигига бағишланган яна бир тадбир ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши ва "Камолот" ЁИҲ вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилди. Жанубий-ғарбий махсус округи Сержантлар тайёрлаш мактаби курсантлари ўртасида ўтказилган "Офарин, йигитлар!" кўрик-танловида партия вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси девони ва "Камолот" ЁИҲ вилоят Кенгаши ходимлари, ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактаби командирлари, офицерлари ва курсантлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, ҳар бир давлат мустақиллигини, аввало, ўша мамлакат армияси, Қуролли Кучлари ҳимоя қилади. Шу боис мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими вужудга келтирилди. Улар сафини тўлдириш такомиллаштирилди. Натижада армиямизнинг салоҳияти ва қиёфаси тубдан ўзгарди, ёшлар ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори, нуфузи ошди, армияда хизмат қилиш том маънода юксак шарафга айланди.

— Истиқлол йилларида сарҳадларимизни мустаҳкамлаш, халқимиз осойишталигини таъминлаш йўлида ҳукуматимиз томонидан оламшумул ишлар амалга оширилди, - деди ҳарбий қисм командири, подполковник Ш.Илбаев. — Айтиш жоизки, яратилаётган шароитлар натижасида ҳар томонлама профессионал армия шаклланди. Ана шу армия таркибида хизмат қилиш эса ҳар бир йигитнинг орзусига айлангани рост. Боиси, келажаги буюк мамлакатимизда юрт корига ярайдиган асл ўғлонларига нисбатан алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилмоқда.

Кўрик-танловда иштирок этган Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабининг курсантлари учта шарт, яъни кураш, мерганлик ва биринчи тез-тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича беллашдилар. Тадбир сўнггида ғолиблар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

* * *

Шу кунларда ЎзМТДПнинг барча ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган бу каби тадбирлар Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган мард ва жасур ўғлонларимизни шарафлаш, улар матонатини ёш авлодга ибрат ва намуна сифатида кўрсатиш ҳамда фарзандларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Камолиддин САИДҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

БЕЛЛАШУВ

***ЎзМТДП Андижон вилояти ва шаҳар Кенгаши ва вилоят ИИБ, вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, "Камолот" ЁИҲ Андижон вилоят бўлими Кенгаши ҳамкорлигида "Қувноқлар ва зукколар" кўрик танлови ташкил этилди. Унда партия вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаолларидан иборат гуруҳ иштирок этиб, миллий қадрият ва урф-одатларимизни тарғиб қилиш билан бирга, ёшларда Ватанга муҳаббат ва юртга садоқат туйғуларини уйғотишга кўмаклашдилар.***

## Миллий урф-одатларимиз

### ТАРҒИБОТИГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбирдан кўзланган мақсад ёшларни Ватанни, ўз маҳалласи ва оиласини севишга ўргатиш, юртга садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялаш, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлаштириш, қолаверса, ўз истеъдодлари ва маҳоратлари, эркин фикрини намойиш этишларига имкон яратишдан иборат бўлди.

Кўрик-танловда Андижон давлат университети ҳамда Андижон машинасозлик институтининг "Акахонлар", Андижон давлат тиббиёт институти ва Андижон қишлоқ хўжалиги институтининг "Ошналар" жамоаси, Ўзбекистон Миллий университетининг "Шоввозлар" жамоаси, шунингдек, ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти"нинг "Ёш сиёсий билимдонлар" жамоалари иштирок этди.

Беллашувларда бугунги кун ёшларининг ютуқ ва имкониятлари, шунингдек, ёш авлод олдида турган вазифалар, уларни бажариш, оила мустаҳкамлигида ёшларнинг ўрни ва аҳамияти мавзуларида бадиий чиқишлар намойиш этилди.

— Жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши замирида ёшларнинг келажакда фаровон, осуда, бахтли яшашлари учун шарт-шароитларни янада яхшилаш мақсади мужассам, - деди Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши депутати А.Абаев. — Шу нуқтаи назардан 2012 йилда партиямиз олдига ҳам қатор ва ўта муҳим вазифалар қўйилди. Бу борада "Ёшлар қаноти" фаоллари ва "Аёллар қаноти" етакчилари билан узвий алоқаларни йўлга қўйишни, партиямиз дастурий мақсад-вазифаларининг бажарилиши юзасидан ҳам изчил иш олиб боришни режалаштираяпмиз. Қолаверса, мамлакатимизда ёшлар учун берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш орқали кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Бунинг учун ёшларда миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат туйғусини шакллантириш талаб этилади. Мазкур тадбир ана шу жиҳатларни кўзлаганлиги билан янада аҳамиятли бўлди.

Тадбир якунида Андижон давлат университети ҳамда Андижон машинасозлик институтининг "Акахонлар" жамоаси биринчи ўрин, ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти"нинг "Ёш сиёсий билимдонлар" жамоаси эса иккинчи ўринни қўлга киритди.

Кўрик-танлов якунида жамоаларнинг барчаси ҳамкор ташкилотлар томонидан тақдирландилар.

**Камола АБДУВАЛИЕВА,**
**ЎзМТДП Андижон**
**вилояти Кенгаши**
**матбуот котиби**

# ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

**14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ**



## Садоқат тимсоли

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳар бир халқ, миллатнинг ўз эртаги, афсонаси, асотирлари бор. Ўзининг афсонага айланган қаҳрамонлари бор. Дунёга довруқ солган қаҳрамонларни туққан эл эканлигимиз билан доимо фахрланаман. Ҳеч кимдан кам бўлмаган халқ сифатида нега энди садоқат, орият, ғурурни бизга ёт бўлган тимсоллардан олишимиз керак экан? Шу маънода олиб қараганда ҳам айнан бугун бизга миллий истиқлол ғояларига садоқатни, Ватанга бўлган муҳаббатни, фидойиликни янада шакллантирадиган, ёшларни Ватан учун буюк ишлар қилишга ундайдиган шундайин маънавий тимсоллар зарур.

Ахир, муҳташам монументга боқингчи, унда эл-юртимизнинг содиқ фарзанди, ёшларимизнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан етук ва мард тимсолини кўрмайсизми? Ватан ҳимояси, тинчлигимиз, фаровонлигимиз йўлидаги фидойи ўғлонларимизнинг, бугунимиз қаҳрамонларининг маънавий қиёфасини унда ҳис қилмайсизми?

«...Ёш авлодимизни миллий ғоя руҳида, мардлик ва матонат руҳида тарбиялашда улар учун маънавий ибрат бўлиб хизмат қиладиган бундай таъсирчан бадиий тимсолларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс, албатта», деган эди Президентимиз «Ватанга қасамёд» ҳайкалининг очилиш тантанасида.

Шу ўринда мазкур мажмуа пойида илк Ҳарбий Қасамёд қабул қилган аскарлар хаёлимдан ўтди. Келинг, ўша ҳаяжонли онларни бир эсга олайлик.

Шаҳбоз Зайниддинов, Қашқадарё вилоятидан:

— Мана шундай бетакрор мажмуа ёнида Ҳарбий қасамёд қабул қилганимиз қалбимизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлади. Ушбу муҳташам монумент биз аскарларни жасоратли, матонатли, шу юрт, шу замин учун муносиб фарзанд бўлишга чорлаб туради.

Курсант ва офицер акаси гувоҳлигида Ҳарбий Қасамёд қабул қилган оддий аскар Шерзод Атақуловнинг фикрлари шундай бўлганди:

— Дуога қўл очиб, фарзандига оқ фотиҳа бераётган мўътабар она тимсолида ўз онам, маҳаллам ва яқинларимнинг меҳрини ҳис қилдим. Ҳайкалда тасвирланган баҳодир йигитга қараб, унинг тимсолида Ватанга бўлган чексиз муҳаббатни, бурчга садоқатни англадим.

Ҳақиқат шулки, ҳаётда аниқ мақсад ва эътиқод билан яшайдиган инсон кучли бўлади. Байроғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун, қутлуғ заминни асраш учун тайёрман, дея тиз чўкиб, қасамёд қилаётган йигит бизни ана шундай кучли, мустаҳкам иродага эга бўлишга даъват этиб тургандек.

Яхшилаб разм солсангиз, бу йигитнинг сизга, бизга таниш жиҳатларини илғаб оласиз. Аниқроғи унда истиқлол авлодларининг мустаҳкам иродаси, Ватанга садоқати билан ҳақиқий қаҳрамонликка тайёр бўлган ёшларимизнинг тимсолини кўрасиз.

Ҳайкалдаги Ватан тимсоли бўлган мунис ва мўътабар онага разм солинг. Қайсидир жиҳатлари онангизни эслатяпти-я? Меҳр билан такрор қаранг, унинг тимсолида юрт хизматига бел боғлаган ўғлонларига оқ йўл тилаётган Ўзбекистонни кўрасиз.

Қуролли Кучларимиз шарафига бунёд этилган муҳташам ҳайкалнинг очилиш маросимини давлатимиз раҳбари ҳам тарихий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий нуқтаи назардан катта аҳамиятга эга бўлган муҳим бир воқеа сифатида баҳолаганди. Бу бежиз эмас. Келинг, шу ўринда воқеликнинг маънавий жиҳатига эътибор қаратайлик.

Президентимиз Ислом Каримов «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» номли асарида ҳарбий соҳадаги маънавий тарбия ишларини тубдан яхшилашимиз, аскарларимиз, ҳарбий хизматчиларимиз онгига миллий истиқлол ғояси тамойилларини чуқур сингдиришимиз кераклигини таъкидлайди. Қолаверса, Қуролли Кучларимиз, унинг шаклланиш тарихи, бугунги ҳаёти қандай акс эттирилаётгани, бу хусусда болаларимизга қандай дарслик ва китоблар орқали қай йўсинда маълумотлар бераётганимиз доимий эътиборимизда бўлиши кераклигига урғу беради. Асарда маънавий тарбия соҳасида олдимизда турган муҳим вазифаларни бажаришда эл-юртимизга фидойи ва садоқатли, ватанпарвар, улкан ҳаёт тажрибасига эга инсонларга таянишимиз, бу борада энг замонавий, таъсирчан усул-услублардан фойдаланган ҳолда иш олиб боришимиз лозимлигини уқтиради. Нега давлатимиз раҳбари маънавият масаласига бунчалар эътиборни қаратмоқда? Аввало юксак маънавиятли посбон халқимиз тинч-фаровон ҳаётини ҳимоялаш, мамлакатимиз равнақи ва истиқболини асраб-авайлаш бурчи эканлигини, ватанимизда бўлаётган улкан ўзгаришлар, янгиланишларга ўзи ҳам дахлдорлигини англайди. Маънавият армиямизда халқимиз, миллатимизнинг минг йиллар давомида шаклланган асл қиёфаси, азалий қадриятлари ва хислатларини акс эттиради. Ахир, биз ана шундай армияни шакллантиришни мақсад қилганмиз-да. Шу маънода олиб қараганда, «Ватанга қасамёд» ҳайкали ёш авлодни мардлик ва матонат руҳида тарбиялашда маънавий ибрат бўлиб хизмат қилади.

Садоқатнинг ҳайкали қаерда бўлади? Юракда, деган жавобимга эътироз билдирмассиз. Дарҳақиқат, юрак, қалб кўп нарсани белгилайди. Миноранинг буюклиги пойдевори ерга чуқур кирганидан, дейишади. Ҳа, замин билан боғланганликда гап кўп. Юрагимиз ўз заминимиз, тарихимиз билан чуқур, мустаҳкам боғланмас экан, ундаги ҳайкал омонат бўлади. Ватанга бўлган муҳаббат оташи билан уриб турган юракни эса забт этишолмайди. «Ватанга қасамёд» ҳар биримизнинг юрагимиздаги ҳайкал бўлиши керак. Аждодларим жасоратидан, матонатидан, садоқатидан қурилган бир улкан ҳайкал. Шундагина у нурамайди.

Азим пойтахтимиз Тошкентдаги бу бетакрор обида юрагимизда буюк аждодлардан мерос жасоратни, садоқатни уйғотгани рост бўлсин.

**Алижон САФАРОВ**

## Изчил ислоҳотлар самараси

### ТУФАЙЛИ МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ ВУЖУДГА КЕЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўтган 20 йил давомида босиб ўтган мураккаб йўлимизга назар ташлар эканмиз, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ташкил этиш ва ислоҳ қилиш — мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, урушлар ва қуролли можароларни қайтариш ҳамда олдини олиш Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини, унинг чегаралари дахлсизлигини, аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга қаратилганлигига амин бўламиз.

Қуролли Кучларни ташкил этиш ҳарбий тадбирлардан бири бўлиб, фуқароларнинг ҳарбий хизматга бўлган муносабатини аниқлаш принципи ҳам шулар жумласига киради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

Ҳарбий хизматга тайёрлаш тизимини тубдан яхшилаш ҳамда замонавий талаблар даражасида йўлга қўйилишига эришиш, ҳарбий хизмат нуфузини, Ватан ҳимоячисининг обрў-эътиборини ошириш, армияни ташкил этишда контракт асосидаги усулнинг муносиб ўрнини таъминлаш, чақирув комиссиялари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашнинг қонунчилик асосларини яратиш ва такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этди.

Мамлакатимизда ушбу масалаларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштириш босқичма-босқич амалга оширилди. Дастлаб "Мудофаа тўғрисида"ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги, "Муқобил хизмат тўғрисида"ги (1992 йил 3 июль) қонунлар қабул қилинди. Улардан олдинроқ "Республика ёшларини ҳарбий хизматга чақириш ва ҳарбий хизматни ўташни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" (04.09.1990 й.), "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида" (06.09.1991 й.) Президент фармонлари эълон қилинган эди. Шунингдек, Президентимизнинг "СССР Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари ва ўқув юртлари тўғрисида" (10.01.1992 й.), "Ҳарбий ва махсус унвонларни бериш тартиби тўғрисида" (19.02.1992 й.), "Ўзбекистон Республикасида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий-ўқув юртлари тўғрисида" (20.02.1992 й.), "Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида жойлашган чегара қўшинларининг бўлинмалари тўғрисида" (24.03.1992 й.), "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштирилган ҳаво-десанти қўшинлари, ҳарбий-транспорт авиацияси, разведка қисмлари ва таъминот қисмлари тўғрисида" (18.05.1992 й.), "Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги кимёвий қўшинлар ҳарбий қисмлари тўғрисида" (13.11.1992 й.), "Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларини қўриқлашни янада мустаҳкамлаш тўғрисида"ги (26.04.1993 й.) фармонлари ва бошқа ҳужжатлар ҳам шулар жумласидандир.

Бу даврда мамлакатимиз ҳарбий тизими мураккаб бир ҳолатда эди. Аслини олганда, миллий Қуролли Кучларни қайта ташкил этиш, умуман ҳарбий қурилиш замирида нима ётса, уларнинг барчасини қайтадан қуришга тўғри келарди.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб тезкор, яхши тайёргарликдан ўтган ва замонавий қуролланган армияни ташкил этиш ҳарбий қурилишнинг бош йўналишига айланди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қиларкан, ўзининг тинчликсевар давлат эканлигини эълон қилди ҳамда ўзининг мудофаа сиёсати батамом тинч-тотув яшаш, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, уларнинг суверенитети ва мустақиллигини ҳурматлаш, шунингдек, мавжуд давлатлараро чегараларнинг дахлсизлиги ва ўзгармаслиги принципларига асосланишини маълум қилди. Давлатимизнинг асосий саъй-ҳаракати барча давлатлар билан икки ва кўп томонлама алоқалар ўрнатиш ва ривожлантиришга, ялпи тинчликка, ҳамма ерда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ўрнатилишига эришишга ва ҳарбийлаштиришга барҳам беришга қаратилди. Шу билан бирга, мамлакатимиз ўз фуқароларининг ҳаётини ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга бўлган ажралмас ҳуқуқ БМТнинг Уставига мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш вазифасини ўз зиммасига олди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида Ўзбекистонда қўшинларнинг устувор турлари учун юқори малакали офицерларни тайёрлаш мақсадига хизмат қиладиган бир қатор ҳарбий ўқув юртлари ташкил этилди. Тўртта ҳарбий билим юрти, шу жумладан, учувчилар билим юртидан ташқари 1993 йилда Тошкент алоқа электротехника институти (ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университети) ҳузурида алоқа хизмати мутахассисларини тайёрлайдиган ҳарбий факультет очилди. 1995 йилда Қуролли Кучлар Академияси ташкил этилиб, бу ерда олий ҳарбий малакали офицер кадрлар тайёрлашга киришилди. Шунингдек, армиянинг техник жиҳозланишини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилди.

Ҳарбий хавфсизлик ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг кейинги босқичи ҳарбий инфратузилманинг ривожлантирилиши ва ҳарбий қурилишнинг ҳуқуқий базасининг янада мустаҳкамланиши, ҳарбий соҳада халқаро ҳамкорликнинг кенгайтирилиши билан тавсифланади. Мазкур босқич Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Миллий хавфсизлик Кенгашининг тузилганлигидан бошланди. (Бу Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.05.1995 йилда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик Кенгаши тўғрисида"ги Фармонига биноан ташкил топди.)

Мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги ташқи сиёсат Қўшилмаслик ҳаракати принципларига ҳам таянади. Бу принциплар миллий қонунчилигимизда ҳам ўз ифодасини топган (1996 йил 26 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддаси, 2001 йил 11 майдаги янги таҳрирда қабул қилинган "Мудофаа тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси). Мазкур принцип мантиқан куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик принципидан келиб чиқади ҳамда умуман олганда Конституциянинг руҳига, унинг тинчликсевар моҳиятига ва мафкуралаштиришдан холи йўналишига мувофиқ келади.

Миллий хавфсизлик манфаатлари халқаро ҳамкорликнинг иттифоқлар, ҳамдўстликлар ва бошқа давлатлараро тузилмалар шаклидаги асосий йўналишини белгилаб беради.

Миллий хавфсизликни таъминлаш манфаатларини кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг НАТО билан ҳамкорлиги ривожланиб бормоқда, бу иш 1994 йилдан бери "Тинчлик йўлида шериклик" дастурида иштирок этиш орқали таъминланмоқда. Мазкур дастур НАТОга аъзо бўлмаган мамлакатлар учун яратилган. Ушбу шериклик нафақат ҳарбий вазифаларни, балки ноҳарбий руҳдаги фавқулодда вазиятлар шароитида ҳаракатларни режалаштириш соҳасида, илмий ва иқтисодий дастурларни амалга оширишда ҳамкорликни таъминлаш; шерик давлатлар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этишда ёрдам кўрсатиш вазифаларини ҳам қамраб олади.

Ҳарбий қонунчиликни ривожлантириш сиёсати ўзида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, бошқа қўшинлар, ҳарбий тузилмалар ва органлари тизимининг қурилиши жараёнини акс эттиради. Бу 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида 1997 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси, мамлакат Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги (04.03.1996 й.), "Ўзбекистон Республикаси умумқўшинлар низомини тасдиқлаш тўғрисида"ги (09.10.1996 й.), "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг интизом қисми ҳақидаги Низомини тасдиқлаш тўғрисида"ги (09.10.1996 й.), "Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмларида интизомни мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги (23.02.1998 й.), "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ шароитларини такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги (20.11.2008 й.) Фармонлари ва "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг (30.06.2005 й.) қарорида ўз ифодасини топди.

Ҳарбий қонунчилик тараққиётининг навбатдаги босқичида амалга оширилган ислоҳотнинг моҳияти ҳарбий қурилиш муаммоларини ҳал этишга янгича ёндашувлар ва мамлакат Қуролли Кучларини сифатли модернизация этишдан иборат.

Ҳарбий ислоҳотнинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис сессияларида қилган қатор маърузаларида чуқур очиб берилди ва миллий армиянинг тузилишини ўзгартиришни таклиф этди. Энг аввало гап контракт асосида ҳарбий хизмат қилишга ўтиш орқали армияни қисқартириш хусусида борди. Марказий Осиё шароитида самарали жанговар ҳаракатлар олиб боришга қодир профессионал армияга асос бўлиб қолиши ҳақида сўз юритилди.

Мамлакат Президенти ташаббуси билан Қуролли Кучларнинг резервчилари институти таркиб топганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Резерв сафини тўлдиришнинг мақсади, вазифалари, принциплари ва уруш вақтида резервдан фойдаланишнинг механизми белгилаб қўйилди.

Мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ўтказиш ҳамда ривожланган демократик давлатлар тажрибасини чуқур ўрганиш асосида Қуролли Кучлар устидан самарали фуқаролик назоратини ўрнатиш мақсадида Мудофаа вазирлиги ҳамда республиканинг мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи бошқа тузилмалари олдида турган вазифалар қайта кўриб чиқилди.

Қуролли Кучларнинг Бирлашган штаби ташкил этилди ва у Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ҳамда ҳудудий яхлитлигини қуролли ҳимоя қилиш бўйича қарорларни ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи ягона қўмондонлик органига айланди.

Компьютер технологияларидан, моделлаштириш, чалғитиш услубларидан ва бошқа замонавий таълим шаклларидан фойдаланиладиган, ҳарбий хизматчиларни тайёрлашнинг мутлақо янги шакллари ҳисобланадиган сержантлар мактаблари ва тайёрлов марказлари жорий этилди.

Ўзбекистон ҳарбий хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ҳам шуларга мувофиқ равишда ривож топиб, эндиликда қонун ҳужжатларининг бутун бир мажмуини ташкил этади.

1999 йилдан бошлаб "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида" (1999 йил 20 август), "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида" (2000 йил 26 май), "Терроризмга қарши кураш тўғрисида" (2000 йил 15 декабрь), янги таҳрирдаги "Мудофаа тўғрисида" (2001 йил 11 май), "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида" (2002 йил 12 декабрь) ва "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида" (2003 йил 25 апрель) каби қонунлар қабул қилинди.

Қонунчилик — жамиятнинг ҳуқуқ ва эҳтиёжларига монанд ҳолда тинимсиз ривожланиб борадиган жонли организмдир. Шубҳасиз, миллий хавфсизликни таъминлашга доир ҳуқуқ тизимини ривожлантириш жараёни ҳали ниҳоясига етганича йўқ. Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш предмети ўзгармоқда, унинг механизми такомиллашмоқда. Янги муаммолар ҳам вужудга келмоқда, уларни ҳал этиш учун илмий асосланган янгича ёндашувлар талаб қилинаётир. Шундан келиб чиқиб Президентимиз Қуролли Кучлар олдига қуйидаги вазифаларни қўйган эди.

Биринчидан, офицер ва сержант кадрларни тайёрлайдиган, қайта тайёрлайдиган ва уларнинг малакасини оширадиган, интеллектуал жиҳатдан юксак, аналитик ва стратегик фикрлаш қобилиятига, жанговар ҳаракатларни моҳирлик билан режалаштириш салоҳиятига эга, қўл остидаги бўлинмаларни самарали бошқариш, уларда соғлом ахлоқий-руҳий муҳитни қарор топтиришга қодир бўлган профессионал ҳарбийларни шакллантиришни таъминлайдиган узлуксиз тизимни янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Қуролли Кучлар қўмондонлиги ҳарбий таълим муассасалари, сержантлар тайёрлаш мактабларини энг замонавий таълим жиҳозлари, жумладан, моделлаштириш ва симуляция воситалари, компьютер техникаси, ҳарбий полигон асбоб-ускуналари билан таъминлаш масаласига бундан буён ҳам асосий эътиборни қаратиши лозим. Ўқув жараёнини ташкил этишда ҳарбий соҳани ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини, муайян ҳудуд доирасида тез ва шиддатли тарзда кечадиган операциялар ва жанговар ҳаракатлар олиб бориш бўйича бугунги тажрибаларни акс эттирадиган фан ва ихтисосликларни ўзида мужассам этган замонавий таълим дастурларига асосланиш зарур. Курсантларни назарий жиҳатдан тайёрлаш уларнинг қўшинлар сафидаги амалий тайёргарлиги билан узвий равишда тўлдирилиши, кундалик жанговар хизмат фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилиши керак.

Буларнинг барчаси ҳарбий таълим муассасалари ўқитувчи ва инструкторлари таркиби олдига алоҳида юксак талаблар қўяди. Улар юқори даражадаги профессионал билим ва кўникмаларга эга бўлиши, замонавий ўқув-тарбия ишларининг шакл ва усулларини пухта эгаллаган ҳолда, ўзининг педагогик ва ҳарбий-профессионал малакасини доимо ошириб, хорижий армияларнинг илғор тажрибаларини ўзлаштириб бориши даркор. Мухтасар айтганда, улар ўз хизмат бурчини юқори даражада адо этиш, тартиб-интизомга қатъий риоя қилиш, юксак маданият ва ахлоқ борасида ибрат ва намуна кўрсатишлари лозим.

Иккинчидан, мудофаа қурилиши соҳасидаги ислоҳотларнинг муваффақияти шахсий таркибнинг маънавий-руҳий тайёргарлик даражаси билан бевосита боғлиқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, армиянинг қудрати фақатгина унинг жанговар тайёргарлиги, ҳаракатчанлиги, энг янги қурол-яроғлар билан таъминлангани билан эмас, балки Қуролли Кучларимиз сафлари профессионал тайёргарликка эга бўлган шахсий таркиб билан қай даражада тўлдирилгани, офицер, сержант ва аскарларнинг маънавий, ахлоқий-руҳий фазилатлари, уларнинг фаол ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқоди, она-Ватан тақдири учун масъулият ҳиссининг нақадар юксак экани билан белгиланади.

Бу мақсадларга эришиш учун энг замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологияларидан, жумладан, етакчи жамоат ташкилотлари, олимлар, мутахассислар, маданият ва санъат намояндаларининг куч ва имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим.

Учинчидан, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари эҳтиёжларига жавоб берадиган замонавий ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш, ҳарбий округлар миқёсида интеграциялашган қўшинларорти таъминотни йўлга қўйиш, ижтимоий, уй-жой, маиший, тиббий таъминот тизимларини яратиш юзасидан қабул қилинган давлат дастурларини амалга ошириш вазифалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши керак.

**Ахтам ТУРСУНОВ,**
**юридик фанлари доктори**

**Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, армиянинг қудрати фақатгина унинг жанговар тайёргарлиги, ҳаракатчанлиги, энг янги қурол-яроғлар билан таъминлангани билан эмас, балки Қуролли Кучларимиз сафлари профессионал тайёргарликка эга бўлган шахсий таркиб билан қай даражада тўлдирилгани, офицер, сержант ва аскарларнинг маънавий, ахлоқий-руҳий фазилатлари, уларнинг фаол ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқоди, она-Ватан тақдири учун масъулият ҳиссининг нақадар юксак экани билан белгиланади.**

# МАЪНАВИЯТ

**ЎЗЛИК**

*Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади.*

Ислом КАРИМОВ

## Оила — маънавият кўзгуси

(Давоми.
Боши 1-бетда)



Шунингдек, Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи лавозимининг жорий этилиши аввало оила иқлимини ўрганиш, ярашув институтлари ишини такомиллаштириш, никоҳ, оила билан боғлиқ қадрият ва урф-одатларни тарғиб қилиш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш имконини берди. Бунга Республика "Ижтимоий фикр" маркази томонидан оила маънавияти борасида ўтказилган тадқиқот-сўровнома натижалари ҳам яққол далил бўла олади. Сўровномада "оила-тарбия-маънавият" билан боғлиқ саволларга урғу берилган бўлиб, ҳар бир иккинчи қатнашчи оиланинг маънавий барқарорлиги маънан етук ва баркамол шахсларнинг камол топишида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилишини таъкидлаган. Респондентларнинг 82,2 фоизи давлатимиз томонидан оилага кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни юқори даражада баҳолаган.

Инсон маънавий тарбиясининг шаклланишида асосий манба сифатида оила 89,9 фоиз, маҳалла 59,5 фоиз, ўқув юрти 49,6 фоиз, ижтимоий қатлам 45,8 фоиз ўрин тутади. Респондентларнинг 39,9 фоизи телевидение инсон маънавиятига юқори таъсир кўрсатади, деган фикрга келган бўлса, 49 фоизи ўртамиёна, 5 фоизи эса унчалик муҳим аҳамиятга эга эмас, деб ҳисоблашини айтган. Шунингдек, маънавий тарбияда оилавий кутубхоналарнинг ўрни қай даражада, деган саволга ўзбек оилаларининг 45 фоизи хонадонларида бадиий китоб, 32,2 фоизи ўқув адабиётлари, 12,8 фоизи мутахассисликка оид китоблар сақлашини қайд этишган. Соҳа мутахассислари мазкур рақамлардан келиб чиққан ҳолда аҳолини илмий-оммабоп ҳамда бадиий адабиётларга жалб этиш лозим, деган хулосага келишган.

Юртбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида: "Бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлдими, ҳеч шубҳасиз, уни албатта кимдир тўлдиришга ҳаракат қилади" деб ёзадилар. Бу ерда гап маънавий бўшлиқ ҳақида кетаётганлигини англаш қийин эмас. Китобларга эътибор қаратилган хонадонда ҳеч ким бўш вақтини ҳуда-беҳудага сарфламайди. Ўқиганидан фикр олади, ўрганади, билимларини, маълумотларини фарзандларига ўргатади. Айниқса, баъзи ёш йигит-қизларимиз, опа-сингилларимиз турмушдаги арзимас муаммога дуч келса, сабр қилиш ўрнига ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиб, ҳаётини тамоман издан чиқаради. Ана шундай вақтда инсон маънавий кўмакни китобдан олиши мумкин-ку. Китоб нафақат ўқув муассасалари, балки хонадонларимиз учун ҳам муҳимдир.

**Ҳафиза МАМАДАЛИЕВА, Республика "Оила" илмий-амалий маркази раҳбари вазифасини бажарувчи:**

— Оиланинг мустаҳкамлиги, бахтли ҳаёт, аввало турмуш қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатлари, оила, жамият олдидаги бурчи ва масъулиятни қай даражада англаб етишига боғлиқ. Шу боис, мамлакатимизда ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айримлар мустаҳкам оила, деганда фақат моддий тўкисликни назарда тутади. Бу, янглиш ва бир ёқлама фикр. Биз баъзан оилада моддийлик билан маънавийлик ёнма-ён туриши зарурлигини унутиб қўяётганга ўхшаймиз.

Оиланинг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган опа-сингилларимизнинг олий маълумот олишга интилаётгани, касб-ҳунар ўрганаётгани қувонарли ҳол, албатта. Бу айниқса, оналар ўз фарзандларини замон билан ҳамнафас қилиб тарбиялаш лозимлигининг муҳим омилидир.

"Ижтимоий фикр" маркази сўровномасида 51,1 фоиз респондент оиладаги иқтисодий қийинчилик вақтинчалик, маънавий ва руҳий бойлик боқий эканлигини қайд этишган. Шунингдек, респондентлар оилавий байрамларнинг дабдабали ўтказилишига қарши чора-тадбирлар қўлланилиши оилаларга катта енгиллик олиб келгани, бундай тарғибот ва ташвиқот ишларини янада кенгроқ ёйиш кераклигини эътироф этишган.

Респондентларнинг аксарият қисми менинг ҳаёт тарзим миллий қадрият ва анъаналар билан бевосита боғлиқ. Бу менинг миллий ғурур ва ишончимни мустаҳкамлайди, дейишган. Респондентлар бу ўринда, асосан, она тилимиз, Ватан ва аждодларимизга бўлган меҳр, ҳурматни назарда тутишган. Мазкур хулосалар юртимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий тарғибот ишлари ўз самарасини бераётганидан далолат беради.

**Комил ҚАЮМОВ, Чилонзор тумани "Дўмбробод" маҳалла раиси:**

— Оила шаъни, обрўи биз учун азалдан ҳамма нарсадан устун бўлиб келган. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли оиланинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти янада ортди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йилни "Мустаҳкам оила йили", деб эълон қилишлари замирида аждодлардан мерос бўлиб келаётган миллий қадрият ва анъаналарга эҳтиром, баркамол авлодни вояга етказиш каби улуғвор мақсадлар мужассам.

"Мустаҳкам оила йили"да катта мақсад-муддаолар кўзда тутилган. Бу эса оиланинг маънавий бутунлиги, иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан янада тўкис бўлишига имкон яратади. Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқимиз бахти, оилаларимиз тинч-тотувлиги, ёшларимиз келажагига қаратилган. Ва бу эзгу ишларда ҳар бир юртдошимиз ўз ҳиссасини қўшиши шубҳасиз.

**Дилфуза РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

**ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА**

## Ватан азиз, жасорат мангу

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга оид фармойишига мувофиқ мамлакатимиз журналистлари ўртасида эълон қилинган "Ватан азиз, жасорат мангу" республика танлови якунланди. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мазкур танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, ички ишлар вазирининг ўринбосари А.Мирзаев, фавқулодда вазиятлар вазирининг ўринбосари Ҳ.Абдулазизов, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси раиси Ф.Абдухолиқов, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди раиси А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, мамлакатимиз Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш, замонавий миллий армияни шакллантириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар моҳияти ва самараларини кенг тарғиб этиш долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Бу борадаги эзгу ишларда журналистлар ҳам фаол иштирок этмоқда, оммавий ахборот воситаларида ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги материаллар сони ва салмоғи тобора ошиб бораётир.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги — ЎзА, Матбуот ва ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган "Ватан азиз, жасорат мангу" танлови ҳам ана шу эзгу мақсадларга қаратилган. Ижодий кўрик ёш авлод қалбида ватанпарварлик ва жасорат туйғуларини қарор топтириш, миллий армиямиз салоҳиятини намоён этиш, "Ватан ҳимояси — муқаддас бурч" деган ғояни янада кенг тарғиб-ташвиқ этишга хизмат қилади.

Танловга Қуролли Кучларимиз салоҳиятини мустаҳкамлаш, армиямизни модернизация ва ислоҳ қилиш, унинг жанговар тайёргарлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига моддий ҳамда ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида амалга оширилаётган улкан ишларни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, осмонимиз мусаффолигини, эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган ҳарбийларнинг мардона меҳнати ҳар томонлама кенг ёритилган журналистик материаллар қабул қилинди.

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни байрамига бағишланган мазкур танловга телевидение, радио, матбуот, интернет журналистикаси йўналишлари бўйича юздан зиёд журналистдан бир ярим мингга яқин ижодий иш тақдим этилди. Танловда ижодий уюшмалар ва агентликлар, ОАВ жамоалари ва ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мустақил ижодкорлар иштирок этди.

Танлов ғолибларига замонавий ноутбуклар, 2-ўрин соҳибларига компьютер тўпламлари, 3-ўринни эгаллаганларга замонавий рақамли телевизорлар топширилди.

Бир қатор журналистлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан таъсис этилган рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди.

— Мамлакатимизда ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида қалам тебратувчи журналистлар сафи кенгайиб, бу борадаги публицистик-таҳлилий материаллар сони ва савияси ошиб бораётир, - дейди "Ватанпарвар" газетаси бош муҳаррири Алижон Сафаров. — Давлатимиз томонидан миллий журналистика ривожига катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани бунда муҳим омил бўлаётир. Буларнинг барчаси биз, журналистларни янада масъулият билан ижод қилишга, тинч-фаровон ҳаётимиз ҳимоячилари фаолиятини янада кенгроқ тарғиб этишга ундайди.

Тадбирда мамлакатимиз Қуролли Кучларини, юртимиздаги тинчлик ва фаровонликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

**Анвар САМАДОВ,**
*ЎзА мухбири*

## Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллигига бағишланган журналистика соҳасида "Ватан азиз, жасорат мангу" Республика танлови ғолиблари

**Босма оммавий ахборот воситалари:**

**1-ўрин**
Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги нашри — **"Ватанпарвар" газетаси жамоаси** (бош муҳаррир — Алижон Сафаров)

**2-ўрин**
**Елена Кузнецова** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бирлашган таҳририяти бўлим мудири

**3-ўрин**
**Баҳодир Валиев** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот хизмати бош мутахассиси

**Телевидение:**

**1-ўрин**
**"Ёшлар" телерадиоканали ЁАЖ "Ватанпарвар" кўрсатуви ижодий гуруҳи** (гуруҳ раҳбари — Ҳулкар Тўраева)

**2-ўрин**
**ЎзНТТ ахборот маркази** (марказ раҳбари — Жасур Шерматов)

**3-ўрин**
**Дилноз Муртазаева** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Спорт" телерадиоканали муҳаррири

**Радио:**

**1-ўрин**
**Гулмира Ражабова** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар бош муҳарририяти муҳаррири

**2-ўрин**
**Алижон Холов** — Фарғона вилояти телерадиокомпанияси "Фарғона" радиоканали муҳаррири

**3-ўрин**
**Аминбой Давлетов** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Машъал" радиоси катта муҳаррири

**Интернет-журналистика:**

**1-ўрин**
**Холмурод Салимов** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг маҳаллий ахборот таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари

**2-ўрин**
**Зуҳра Оймаматова** — "Қашқадарё" газетаси бўлим муҳаррири

**3-ўрин**
**Камиль Миргалаутдинов** — "Правда Востока" газетасининг масъул котиби ўринбосари

**Рағбатлантирувчи мукофотлар соҳиблари:**

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:**

1. **Қиличбой Ажибаев** — "Еркин Қарақалпақстан" газетасининг махсус мухбири
2. **Раҳим Мақсудов** — "Қизилтепа тонги" газетаси муҳаррири (Навоий вилояти)
3. **Гулмира Отажонова** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Тошкент" телерадиоканали ахборот дастурлари бош муҳарририяти катта муҳаррири

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:**

1. **Хуршид Рўзиев** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмасининг ОАВ билан алоқалар гуруҳи инспектори
2. **Саъдулла Шодиев** — "Постда" — "На посту" газеталари ва "Қалқон" — "Шит" журнали бирлашган таҳририяти бўлим мудири
3. **Гулзат Курбонова** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли "Вақт" — "Время" газеталари мухбири

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:**

1. **Комилжон Абдунабиев** - Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот хизмати раҳбари
2. **Сергей Левченко** — "Народное слово" газетасининг бўлим мудири
3. **Беҳзод Қодиров** — Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси аъзоси "Ишонч" телерадиокомпанияси "Ёшлар" студияси мухбири (Сурхондарё вилояти).

**МОЗИЙДАН САДО**

## Ўлкашунослик музейи

### ФАРҒОНАНИНГ БУГУНИ ВА ЎТМИШИДАН СЎЗЛАЙДИ

*Мустақиллик йилларида барча соҳалар қатори музейлар фаолиятида ҳам туб ўзгариш ва янгиланишлар юз берди. Айниқса, маънавий ҳаётимизда музейларнинг роли янада ошди. Зеро, миллий меросимиз, бой ўтмишимизни тадқиқ этиш ва ўрганишда музейлар муҳим ва беқиёс аҳамият касб этади.*

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1998 йилдаги «Музейлар фаолиятини яхшилаш тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарори музейлар фаолиятининг янада ривожланишига катта туртки берди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»-ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 октябрдаги "Музейлар фаолиятига тааллуқли меъёрий ҳужжатлар тўғрисида" 237-сонли ва 2010 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси "Музейлар тўғрисида"ги Қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида"ги 68-сонли қарорлари қабул қилингач, соҳа фаолиятининг жиддий ривожланишига олиб келди.

Фарғона вилоят Ўлкашунослик музейи хазинасида 15 мингдан ортиқ экспонатлар мавжуд. Айниқса, музейнинг археология фондида водийнинг энг бой ва ноёб коллекцияси сақланади. Водий ҳудудидан топилган тош асрига оид қурол-яроғлар, лой ва бронзадан ясалган буюмлар ана шулар жумласидандир. Фонднинг энг кўп қисмини водийнинг бугуни ва тарихига тааллуқли бой меросини ўзида акс эттирган фотосурат ва уларнинг негативлари ташкил қилади.

Суҳбатимиз аввалида музей директори Баҳодир Ҳошимовдан музей фаолияти ҳақида маълумот беришини сўрадик.

— Бугунги кунда Фарғона вилоят Ўлкашунослик музейи илмий тадқиқотлар олиб бориши учун барча зарур, замонавий техника асбоблари билан жиҳозланган. Ўз соҳасига масъулият билан ёндашаётган музей ходимлари томонидан қатор монографиялар нашр этилмоқда. Мисол учун, музей катта илмий ходими Г.Ивановнинг ЎзРФА Археология институти билан ҳамкорликда икки тилда «Город Кува в эпоху Ахмад ал-Фергани» номли монографияси чоп этилди. Шунингдек, унинг халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда учта тилда (ўзбек, рус ва инглиз) чиқарган "Қадимги Фарғона шаҳарлари" номли китоби соҳа мутахассисларининг эътиборини тортди.

**— Ўзингиз ҳам бу жараёндан четда турмагандирсиз?**

— А.Абдулаҳатов билан ҳаммуаллифликда «Аҳмад ал-Фарғоний», «Мўйи Муборак», «Бурҳониддин ал-Марғилоний даври ва унинг авлодлари» номли брошюраларни нашр эттирдик. Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг амалий ёрдами билан учта тилдаги "Фарғона вилоятининг Ўлкашунослик музейи" номли рангли каталогни яратишдаги камтарона хизматларимиз музейшунослар томонидан юқори баҳоланди. Бундан ташқари, музей ходимларининг илмий-оммабоп ишлари ҳар йили республика ва чет эл нашриётлари томонидан чоп этиб турилади.

**— Демак, музейда халқаро алоқалар ҳам яхши йўлга қўйилган экан-да...**

— Бундай алоқалар мустақиллик туфайлигина йўлга қўйилди, десам муболаға бўлмайди. Бугун музей мутахассислари чет элларда ўтказиладиган илмий-амалий конференцияларнинг доимий иштирокчисига айланишди. Шу кунга қадар улар Англия, Хитой, Япония, Италия, Миср ва бошқа давлатларда Фарғонанинг ўтмиши ва бугунги кун маданиятига оид турли мавзуларда маърузалар қилиб қайтишди.

**— Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, дейишади. Музейга бир таъриф беринг, эҳтимол юртдошларимиз Фарғонада шундай музей борлигини билишмас.**

— Ҳозирда музейимиз бешта — тарих, табиат, санъат, илмий-оммабоп ҳамда археология фонди бўлимларини ўз ичига олган. Шунингдек, музей ўндан ортиқ металл ҳамда керамика буюмлари, бадиий санъат, махсус ҳужжатлар, газета ва плакатлар, ёғоч буюмлар, археология ва нумизматика, табиат манзаралари акс этган фотонегатив ва суратлар депозитарийсига эга. Музейдан Фарғонанинг илк қалдирғоч рассомлари томонидан чизилган асарлар коллекцияси ҳам жой олган. Риштон керамикаси, мис ва заргарлик буюмлари, текстиль коллекцияси ҳамда турли каштачилик намуналари ҳеч қачон томошабинлар назаридан четда қолмаган. Қолаверса, Фарғона вилояти ҳудудида музейимизнинг еттита бўлими мавжуд.

**— Бугунги томошабин жуда зийрак, ҳамиша янгилик кутади. Музейда бунга жавобан қандай ишлар қилинмоқда?**

— Шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, мустақиллигимизнинг йигирма йиллик тўйи арафасида музейимизда "Фарғона вилояти мустақиллик йилларида" номли улкан илмий экспозиция очилди. Унда ўзбек давлатчилигининг қадимий илдизлари, халқимизнинг қувончли ва ташвишли кунлари, давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши, Юртбошимизнинг бу борадаги маънавий жасорати, фарғоналик қаҳрамонлар, вилоятнинг иқтисодий салоҳияти, илм-фан, маданият, санъат, спорт, халқ амалий санъатда эришилган ютуқлар акс эттирилган. Ундаги ҳар бир мавзу маълумотлар тўплами ва қимматли экспонатлар билан тўлдирилган. Мақтовга йўймангу, экспозицияни тайёрлашда музейимизнинг ҳар бир ходими сидқидилдан ёндашди. Биргина ана шу экспозицияни тайёрлаш учун мингдан ортиқ янги экспонатлар тўпланди. Ташриф буюрувчилар мазкур экспозицияни томоша қилар экан, уларнинг нигоҳларида ҳайратланиш, ғурур ва ифтихор ҳиссини сезиш қийин эмасди. Шундай юртда яшаётганимиздан қалбимиз чексиз фахру ифтихорга тўлди.

**Суҳбатдош: Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, «Milliy tiklanish» мухбири**

# БАЙРАМ ТИЛАКЛАРИ

ФАОЛИЯТ

## Савдо ўрганишга арзийдиган илм

***Бугунги кунда юртимиз тараққиётини ҳаракатлантирувчи кучга айланган тадбиркорларимиз, фермерларимиз ҳақида кўп ва хўп гапираяпмиз. Ҳар қанча фахрланиб гапирсак арзийди ҳам. Чунки уларни мамлакатимиз истиқлоли, Юртбошимиз раҳнамолигида танланган тараққиёт йўли кашф қилди.***

Истиқлол туфайли эркин фаолият юритиб, ўз салоҳиятини кўрсатаман деган тадбиркору фермерлар учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилди. Пойтахтимизда ҳам ажойиб меҳнат натижаларига эришаётган ишбилармонлар кўп. Чорсу бозори ҳудудида жойлашган "Ал-Традинг" савдо комплекси жамоаси ана шундай тадбиркорлардан ташкил топган. Биз комплекс раҳбари Ботирхўжа Дониёров билан жамоанинг айни кунларда олиб бораётган ишлари хусусида суҳбатлашдик.

— Аввало, шуни айтиш кераккки, савдо бу — илм. Илм бўлгандаям шу соҳада ишлаб нон топаман, фарзандларимни боқаман, деган одам учун чуқур ўрганиши зарур бўлган фан. Чунки бугунги бозор иқтисодиёти шароитида савдо илмини эгалламай туриб, муваффақиятга эришиш қийин. Биз "Ал-Традинг" савдо комплексини ташкил қилишда ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратдик. 27 нафар ходимдан иборат жамоамизнинг ҳар бир аъзоси савдонинг сир-асрорларидан хабардор. Шароитга қараб иш тутишни билади. Иш енгил кўчганда катта гапириб, муаммога дуч келганда ҳафсаласи пир бўлиб қоладиган одамлардан эмас.

Шунинг учун бўлса керак, меҳнатимиздан ҳам, натижаларимиздан ҳам нолимаймиз. Ўз олдимизга қўйган мақсад ва режаларга эришаяпмиз. Масалан, ўтган йили ўн ой ичида юртдошларимизга 200 миллион сўмдан ортиқ савдо хизмати кўрсатдик.

**— Бугунги кунда эришилаётган натижалар раҳбар сифатида сизни қаноатлантирадими?**

— Ҳамма ишларимиз жойида, натижаларимиздан кўнглимиз тўқ, десам тўғри бўлмас. Тадбиркорликнинг битта муҳим қоидаси бор: бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхши ишлаш, яхши натижаларга эришиш керак. Ишни бир йўсинда олиб бораман, деган тадбиркорнинг келажагидан умид йўқ. Ишбилармон одам, жумладан, савдо соҳасида ишлаётган тадбиркор доимо изланиш ва интилишда бўлиши керак. Ана шундагина ишда унум ва самара бўлади.

2009 йилдан иш бошлаган комплексимиз жамоаси ҳам ана шундай шиор билан меҳнат қилиб, интиляпти. Ҳозирча ёмон эмас. Бизнинг жамоамизда айни кунларда эришаётган муваффақиятлар кўламини янада кенгайтириш учун барча шароит ва имкониятлар бор. Мижозларимизга замон талаби даражасида савдо хизмати кўрсатиш учун зарур қулайликлар яратилган.

**— Келгуси режалар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

—Ҳозирги кунда комплексимизда миллий кулолчилик буюмлари сотувини йўлга қўйиш бўйича янги бизнес лойиҳа устида иш олиб боряпмиз. Шу соҳада фаолият юритаётган корхона ва ҳунармандлар билан алоқалар ўрнатилмоқда. Бизнинг бу режамиз ҳам кутилганидек натижалар беришига ишончим комил.

**"Milliy tiklanish" мухбири**
**Ўктам АБДУЛЛАЕВ**
**суҳбатлашди**

t

## ВАҲОБЖОН УСМОНОВ НОМЛИ "ШАҲРИХОН ПАХТА ТОЗАЛАШ" ОАЖ ЖАМОАСИ

# 14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

***муносабати билан юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида хизмат қилаётган барча ҳарбийларимизни самимий қутлайди.***



## "ЗАРАФШОН САВДО ИНВЕСТ" МЧЖ

*жамоаси*

*Тинч ва осуда ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлган миллий армиямизнинг барча ҳарбий хизматчиларини, жасур ва шижоатли ўғил-қизларимизни миллий байрамимиз–*

# *ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ*

*билан чин дилдан табриклайди!*

**20 йил**



*Ватанни ҳимоя қилиш шарафли бурч. Ана шу шарафли вазифани адо этишда барчангизга мустаҳкам соғлик, узоқ умр, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.*

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ "БЕРУНИЙ ПАХТА ТОЗАЛАШ" ОАЖ ЖАМОАСИ



Ватан озодлиги, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишдек шарафли ва масъулиятли касбни ардоқлаб келаётган барча ҳарбий хизматчиларни

## 14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

муносабати билан самимий муборакбод этади.

**ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!**

Юртимиз сарҳадларини кўз-қорачиғидек асраб-авайлаётган барча ҳарбий хизматчиларимизни

## 14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

билан чин қалбимиздан табриклаймиз.

**Фидойилик, мардлик ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!**



Ўзбекистонимизнинг тинч-осудалигига, осмонимиз мусаффолигига кўз тегмасин. "Мустаҳкам оила йили"да сизларга мустаҳкам соғлик, оилаларингизга хотиржамлик тилаймиз!

**ЗАРАФШОН ШАҲРИДАГИ "ҚЎЧҚОРОВ АЗАМАТ ҲАМИДОВИЧ" ХУСУСИЙ ФИРМАСИ ЖАМОАСИ**

# КЎЗГУ


## ЗАРАФШОН ШАҲРИДАГИ "МУРУНТОВ" МЧЖ ЖАМОАСИ

Ўз ҳаётини она Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас ва олийжаноб ишга бағишлаган барча юртдошларимизни қутлуғ сана

**14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ва ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ**

билан самимий табриклайди.

Сарҳадларимизда тинчлик, гўшаларимизда ҳамиша осойишталик ҳукм суриверсин.




БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

*Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини юксалтираётган, миллий хавфсизликни таъминлашда туну кун фидокорона меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни, мард ва жасур ўғлонларимизни*

**14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ**

*билан қизғин қутлаймиз.*

*Юртимизда доимо тинчлик, хотиржамлик, омонлик бўлсин! Оилавий қувонч, бахт, шодлик сизларни тарк этмасин!*



"ВАНТ-ТЕХТIL" МЧЖ ЖАМОАСИ


## ЎГИТ

**Ишқсиз қувончинг сира афзун бўлмас,**
**Ишқсиз вужуд ҳам хўбу мавзун бўлмас.**
**Дарёга ёғар бўлса магар юз томчи,**
**Ишқ тўлқинисиз у дурри макнун бўлмас.**

## РИВОЯТ

### Диёнат

Бир диёнатли фозил одамнинг уйида сичқонлар кўпайиб кетди. Одамлар унга:

— Нега уйингизда мушук асрамайсиз? Мушук сичқонлар кушандаси эканини биласиз-ку. Агар битта мушук асрасангиз, сичқонлар ҳужумидан қутуласиз,- дедилар.

Диёнатли фозил одам уларга:

— Тўғри айтасизлар, лекин бу маслаҳатингизни виждоним қабул қилмайди. Агар мушук асрасам, ҳамма сичқонлар мушуклари йўқ қўшниларимнинг уйларига тарқаладилар, қўшниларимга кўп азият берадилар. Ўзимга истамаган нарсамни қўшниларимга истайми? Ўз фойдамни кўзлаб, бошқаларга зарар етказайми? Йўқ, бу ишни виждоним асло қабул қилмайди, - деб жавоб берди.

## БИЛАСИЗМИ?

Даставвал қўл соатини фақат аёллар тақишган.

* * *

Бир килограмм асал тўплаш учун асалари 2 миллионга яқин гулга қўниши лозим.

## ТУРФА ОЛАМ

### 403 метрли кўприк

**МЕКСИКАДА ДУНЁДАГИ ЭНГ БАЛАНД АРҚОНСИМОН КЎПРИК ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛГАН.**



Айтишларича, Балуарте кўприги мамлакат шимолидаги дара устига қурилган. Кўприкни қуришда йўғон арқонлардан фойдаланилгани боис, ундан фақат пиёдалар ўтиши мумкин. Қизиғи шундаки, кўприкнинг бошланиш қисмига Эйфель минорасини сиғдириш мумкин экан. Маълумотларга қараганда, яқин йиллар ичида Мексикада баландлиги 300 метрга тенг янги автомагистрал йўлларни боғловчи 8 та кўприк ва олтмишга яқин тунеллар қуриш мўлжалланган.

### Карнавал бошланди

**АРГЕНТИНА КАРНАВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ ГУАЛЕГУАЙЧУ ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТДИ.**



Буэнос-Айресдан 200 километр шимолда жойлашган шаҳар шу куни 25 мингдан ортиқ томошабинга завқу шавқ улашган. 500 метр узунликдаги майдонда мингга яқин эстрада, цирк ва театр артистлари, рақс гуруҳлари ўз маҳоратларини намойиш этишган. Ҳатто, айрим қатнашчилар ўртага XIX асрга оид, оғирлиги 80 килограмм келадиган костюмларда чиқишган. 12 каррос, яъни эртак қаҳрамонлари қиёфасидаги улкан қўғирчоқларнинг чиқиши эса томошабинларга чексиз қувонч бағишлаган. Шундан сўнг, ҳамма қувноқ мусиқа садолари остида рақсга тушган. Салкам 5 соат давом этган рақс кечаси очилиш маросимига якун ясаган. Бироқ, бу билан Аргентина карнавали тугади дегани эмас. У яна икки ой, ҳафтанинг дам олиш кунларида давом эттирилади. Шу боис, ўйин-кулги ҳаливери тугамаслиги аниқ. Аргентина карнавалининг илдизлари 1600 йилларга бориб тақалади. Ўшанда байрам клуб ва хонадонларда ўтказилар эди. Аммо, вақтлар ўтиб, карнавални кенг кўчаларда, омма орасида ўтказиш урфга кирган.

### Энг катта шоколад

**ЯНГИ ЙИЛНИНГ ИЛК КУНЛАРИДА МОНТИЛЬЯ (ИСПАНИЯ) ШАҲРИ ОШПАЗЛАРИ ЭНГ КАТТА ШОКОЛАД ПЛИТКАСИНИ ТАЙЁРЛАШДИ.**



Узунлиги 250 метр, эни 25 сантиметрни ташкил этувчи шоколадни тайёрлаш учун одатий кўринишга эга 9,5 мингта плитка кетган. Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олишни мақсад қилган қандолатчилар туну кун тер тўкканларини яшираётганлари йўқ. Уларга бу ишда салкам 100 киши кўмакчилик қилган эмиш. Эслатиб ўтамиз, бундан аввалги рекорд натижа инглизларга тегишли бўлиб, ўшанда 75 мингта "Thorntons" плиткасидан оғирлиги 5 тоннаю 792,5 килограммли дунёдаги энг катта шоколад тайёрланган эди.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

Газетанинг келгуси сони 25 январь куни чиқади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУХАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЁРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 119, Адади — 10317
Газетанинг баҳоси келишилган нархда
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Эркин ДОРИПОВ
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: milliyt@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.50.

1 2 3 4 5